

**Олий таълим муассасалари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари  
фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги  
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон Қарори ва унинг иловаси билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича «Йўл харитаси»га мувофиқ, Жамоатчилик кенгашининг (кейинги ўринларда Кенгаш деб юритилади) мақсад ва вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

**I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасаларига (кейинги ўринларда ОТМ деб юритилади) нисбатан татбиқ этилади.

2. Кенгаш ҳар бир ОТМда жамоатчилик асосида таълим-тарбия жараёнларини қўллаб-қувватлаш ҳамда олий таълим сифатини таъминлаш бўйича самарали жамоатчилик назоратини жорий этиш учун ташкил этилади. Кенгаш юридик шахс ҳисобланмайди.

3. Кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек ОТМ Устави ҳамда мазкур Низом асосида амалга оширади.

**II БОБ. КЕНГАШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ**

4. Кенгашнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

ОТМда самарали жамоатчилик назоратини жорий этиш орқали профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасидаги ижтимоий-маънавий муҳит соғломлигини таъминлаш;

ОТМдаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган ишлар орқали унинг фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш;

талабаларнинг ўқиши ва маънавий-маърифий, маданий ҳамда спорт тадбирларида иштирок этишлари учун шарт-шароитларни яхшилашда ОТМ раҳбарияти масъулиятини янада ошириш;

ОТМ талабалари ва профессор-ўқитувчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ўртасидаги соғлом рақобатни ривожлантириш, жамоатчилик асосида амалга ошириладиган назорат орқали таълим сифати ва илмий салоҳиятнинг янги босқичга кўтарилишига кўмаклашиш.

5. Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

**умумий фаолият бўйича:**

таълим сифати, профессор-ўқитувчиларнинг билими ва педагогик маҳорати, талабаларга яратилган шарт-шароитлар устидан тизимли равишда мониторинг ўрнатиш;

ОТМга профессор-ўқитувчилар таркибига ишга қабул қилинаётган номзодлар бўйича тавсиялар бериш;

ОТМда коррупция ва бошқа шу каби иллатларнинг олдини олишга қаратилган профилактик ишларда фаол иштирок этиш;

ОТМда талабалар ва профессор-ўқитувчиларни турли хил сабаблар билан ОТМ раҳбарияти ва бошқа раҳбар ходимлари томонидан ўз вазифасига алоқадор бўлмаган (уларнинг ўз хоҳишига кўра ва ёзма розилиги билан бажарилган ишлар бундан мустасно), мажбурий меҳнат сифатида эътироф этилиши мумкин бўлган ҳолатларни назорат қилиш ва уларнинг олдини олиш (Бундай ҳолат юз берган тақдирда, Кенгаш томонидан ОТМ раҳбарияти иштирокида муҳокама этилади ҳамда айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чоралари кўрилади);

талабаларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, уларнинг педагог кадрлар ҳақидаги фикрини тўлиқ ўрганиш мақсадида ижтимоий сўровлар ўтказиш;

олий таълим муассасасидаги таълим жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва муассасанинг тегишли кенгаши муҳокамасига киритиш;

ўқув, илмий ва тарбиявий ишларни шахс, жамият ва давлат манфаатларини кўзлаган ҳолда амалга оширишда, шунингдек, талабаларнинг ҳар томонлама етук шахс сифатида камол топиши учун зарур шароитлар яратишда ОТМга кўмак ва тавсиялар бериш;

ОТМда фаол талабалар (фан олимпиадалари, спорт мусобақалари, турли кўрик-танловлар ғолиблари) ва ҳар жиҳатдан эътирофга лойиқ бўлган профессор-ўқитувчиларни рағбатлантириш бўйича раҳбариятга тавсиялар киритиш;

ОТМнинг шаъни, обрўси ва ҳар жиҳатдан тараққий этиши учун хизмат қиладиган тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда раҳбариятга кўмаклашиш.

**Ўқув ва ўқув-услубий фаолият бўйича:**

ОТМда ўқув ишларини Вазирлик томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилишини ўрганиш, ўқув

гуруҳларини шакллантиришни, ўқув жараёнига тегишли машғулотлар жадваллари сифатини назорат қилиш;

деканатда ўқув юкламаларининг меъёрий талаблар асосида, одилона тақсимот қилинишини, дарс соатлари тақсимоти тўғри ҳисобланишини ўрганиш, назорат қилиш;

профессор-ўқитувчилар томонидан ўқув машғулотлари жадвалига тўла риоя этиш, ўқув машғулотларини кўчириш, ўтказмаслик, дарсга кеч қолиш, дарсларни белгиланган вақтидан эрта тугатиш ҳолларини назорат қилиш, уларнинг сабабларини аниқлаш, таҳлил этиш, кафедра мудирлари, деканатларга тегишли тавсиялар бериш;

таълим сифатини назорат қилиш бўлими билан ҳамкорликда факультет профессор-ўқитувчилари томонидан ўзаро дарсга кириш, очиқ ўқув машғулотларини, муаммоли дарсларни ташкил этиш режаларининг талаб даражасида бажарилишини назоратга олиш;

зарурий ҳолларда тегишли мутахассислар иштирокида ишчи гуруҳлар тузиб, дарсга халақит бермаган ҳолда ўқув машғулотлари сифатини ўрганиш;

кафедраларда фанлардан ўқув машғулотларининг замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этилиши, зарурий қўлланмаларнинг, электрон ўқув-услубий мажмуаларининг яратилиши, ўқитиш тизимига замонавий инфор­мацион технологиялар, масофавий ўқитиш услубларини қўллаш фаолиятини ўрганиш;

талабаларнинг ўқув машғулотларига қатнашиши, сабабсиз дарс қолдиришлар, дарсга кечикиш, дарслардан сабабсиз кетиб қолиш ҳолларининг сабабларини ўрганиш, назорат қилиш;

талабаларнинг фанлардан оралиқ баҳолашларни топширишларида рейтинг тўғрисидаги низом талабларининг бажарилиши, жорий назоратни бажариш мезонларини, тажрибали ўқитувчиларнинг иш услубларини ўрганиш ва тарғиб этиш;

ОТМ профессор-ўқитувчиларининг йиллик иш фаолият рейтингини ҳисоблашда (аниқлашда) ҳайъат аъзолари сифатида қатнашиш ва бу ишларда жамоат назоратини амалга ошириш.

Кафедралар, факультетларнинг йиллик ҳисоботларини ректорат томонидан кўриб чиқишда жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

#### **Маънавий-маърифий фаолият соҳаси бўйича:**

ОТМ профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва талабалари ўртасида соғлом маънавий-ахлоқий муҳитнинг мавжудлигини ўрганиш ва бу муҳитнинг бузилишига олиб келувчи сабабларни таҳлил этиш, зарурий тавсиялар бериш;

ОТМда маънавий-маърифий масалалар бўйича ташкил этиладиган тадбирлар режасини ўрганиш, таҳлил қилиш ва бу тадбирларнинг ўқув жараёнига халақит бермаслиги, талабаларни ўқув машғулотларидан асоссиз равишда озод қилиб, турли тадбирларга жалб этиш сабабларини ўрганиш, хулосалар тайёрлаш;

талабаларни ҳашарларга, университет ҳудудидаги турли хўжалик ишларига жалб этилишини назорат қилиш ва бу тадбирлар туфайли дарс қолдирилишларга йўл қўймаслик чораларини кўриш;

профессор-ўқитувчилар томонидан талабалар билимини холисона баҳоламаслик, таъмагирлик қилиш, фанлардан назорат ишларини топшириш мақсадида талабалар томонидан профессор-ўқитувчиларга пора бериш каби ноқонуний ҳаракатлар содир қилинишининг олдини олиш, зарур ҳолларда чоралар белгилаш, тавсиялар бериш;

ОТМ профессор-ўқитувчилари ва ходимларини ижтимоий ҳимоялаш ва уларга мукофотлар белгилашда ижтимоий адолат тамойилларига риоя этилиши, мукофотланишда шахснинг ўз хизмат вазифаларини ҳалол ва виждонан бажаришини, жамоат ишларида, маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирокини ҳисобга олиниши ҳамда ҳаммага бир хил миқдорда мукофот берилишига йўл қўймаслик кабиларни назорат қилиш;

ОТМ талабаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга стипендияларнинг ўз вақтида берилиши, стипендиялардан ҳар хил мақсадлар учун ушлаб қолиниши, талабалардан турли мақсадларда пул тўплаш, уларга зарур бўлмаган китоблар, тўпламларни мажбурий равишда сотиш, мажбурий равишда театрлар, концертларга чипталар тарқатиш каби ишларни назорат қилиш, сабабларини таҳлил қилиб, зарурий тавсиялар бериш;

ОТМ талаба-ёшларининг талабалар турар жойларидаги, хусусий хонадонлардаги яшаш шароитларини ўрганиш, уларнинг шарт-шароитларини яхшилаш, ректорат, деканатлар, кафедралар томонидан бу ишларни назорат қилинишини ўрганиш, бу ишларни яхшилаш бўйича тавсиялар бериш;

ОТМ талабалари орасида тартиббузарлик, ахлоқсизлик, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби иллатлар тарқалишининг олдини олиш ва ота-оналар кенгаши билан ҳамкорликда бу салбий ҳолатларга қарши фаолият юритиш, назорат этиш, аҳволни яхшилашга оид чора-тадбирлар кўриш юзасидан тавсиялар бериш;

ОТМ талаба-ёшларининг таълим муассасаси ҳудудида, яшаш жойларида ҳар хил жиноий элементлар, гуруҳлар таъсирига берилмаслик, жамоат тартибига, қонунчиликка риоя этишларини ўрганиш, назорат қилиш ва тавсиялар бериш;

ОТМ талабалари учун умумий овқатланиш жойларидаги хизмат сифатини, таомларнинг сифати ва нархини ўрганиш.

**Илмий фаолият ва талабалар илмий ишларини ташкил этиш бўйича:**

ОТМ профессор-ўқитувчиларига илмий фаолият олиб бориш учун шароит яратиш, номзодлик, докторлик диссертациялари устида ишловчиларни ижтимоий ҳимоялаш, йил давомида фаол илмий иш билан шуғулланиб, яхши натижаларга эришганларни мукофотлаш, султ ҳаракат қилувчиларга чора кўриш каби ишларни назорат қилиш;

профессор-ўқитувчилар томонидан монографиялар, дарсликлар, ўқув қўлланмаларни шартнома асосида тайёрланишини ва уларга ўз вақтида гонорарлар тўланишини назорат қилиш;

талабаларни илмий фаолиятга жалб этилиши, халқаро, республика илмий анжуманлари, танловлари, кўргазмалари, фан олимпиадаларида қатнашиши каби ишларни ташкил этилишини ўрганиш, назорат қилиш, тавсиялар бериш.

### **ОТМ бухгалтерияси, маркетинг бўлими фаолияти бўйича:**

ОТМда тўлов-шартнома асосида таълим олаётган талабалар томонидан шартнома талабларининг ўз вақтида бажарилиши, бу борада ота-оналарнинг масъулияти, ОТМ маркетинг бўлими, деканатлар томонидан тўлов маблағларининг тўланишини, ўз вақтида тўланиш чора-тадбирлари кўрилишини назорат қилиш;

ОТМ бухгалтерияси томонидан талабаларга стипендияларнинг ўз вақтида берилишини, стипендиялардан ноқонуний ушлаб қолиш ҳолларининг бўлмаслигини назорат қилиш, шу бўйича чора-тадбирлар белгилаш;

ОТМ профессор-ўқитувчиларига маошларнинг ўз вақтида берилишини назорат қилиш;

ОТМда бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланишнинг мавжуд қонунлар, меъёрий ҳужжатлар талабларига мослигини назорат қилиш;

Ўқув аудиторияларининг аҳволи, тозалик даражаси, дарс ўтиш шароитларини, аудиторияларнинг керакли анжомлар (сифатли бўр, стол, стуллар ва ҳ.к.) билан таъминланганлигини ўрганиш.

### **Университет касаба уюшмаларининг фаолияти бўйича:**

ОТМ профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва талабаларининг касаба уюшмалари иш фаолиятларида олдиндан тузилган иш режаларининг мавжудлиги, бу режага амал қилинишини ва уюшма секторларининг иш фаолиятини ўрганиш, назорат қилиш, лозим бўлганда уларнинг иш фаолиятини янада яхшилаш борасида тавсиялар бериш;

ОТМ профессор-ўқитувчилари, ишчи-ходимлари, талабаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимоянинг турли шаклларида фойдаланиш, ОТМ жамоаси аъзолари ва талабаларига моддий ёрдам кўрсатиш каби ишларнинг боришини назорат қилиш ва бу борада тавсиялар бериш;

ОТМ жамоаси ва талабалар ўртасида соғломлаштиришга оид тадбирларни мунтазам ўтказиш, дам олиш уйларига, санаторийларга йўлланмалар бериш каби ишларнинг амалга оширилишини кузатиб бориш;

ОТМ фахрийлар кенгаши билан ҳамкорликда университетда узок йиллар меҳнат қилган ва ҳозирда нафақада бўлган профессор-ўқитувчилар, ходимларнинг аҳволидан, яшаш шароитларидан хабардор бўлиш, лозим бўлганда моддий ёрдам бериш каби ишларнинг амалга оширилишини назорат қилиш ва бу борада раҳбариятга тавсиялар билан чиқиш;

ҳукумат, вазирлик, ОТМ мукофотларига номзодларни тавсия қилишда касаба уюшмалари ролини ошириш ва бу борада ҳаққонийликни таъминлаш,

адолатли тавсиялар берилишида касаба уюмларининг фаол иштирок этишларини назорат қилиш;

лавозимларга тайинлашда, раҳбариятнинг кадрлар билан ишлаш сиёсатида ОТМ касаба уюшмаси тавсияларининг инобатга олиншини назорат қилиш.

Кенгаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **III БОБ. КЕНГАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, УНИНГ ТАРКИБИ ВА ТУЗИЛИШИ**

6. ОТМ раҳбарияти томонидан Кенгашни ташкил этиш бўйича йиғилиш ўтказилишидан ўн кун олдин йиғилиш ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида эълон, шунингдек, мазкур Низомнинг нусхаси барчанинг танишиб чиқиши учун ОТМдаги кўринарли жойларга осиб қўйилади ва ОТМ сайтида (газетаси, радиоси ва бошқаларда) эълон қилинади.

7. Кенгаш етти кишидан кам бўлмаган тоқ сондан иборат таркибда талабалар, ота-оналар, Ёшлар иттифоқининг ОТМдаги фаоллари, кадрлар буюртмачилари, профессор-ўқитувчилар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, муқаддам мазкур ОТМни тамомлаган битирувчилар (битирганига қанча вақт бўлганидан қатъи назар), ОТМ фаолиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган фахрийлар, жамоа орасида обрў-эътибор қозонган, катта педагогик тажрибага эга бўлган ҳуқуқшунос, психолог, хомийлар ва бошқа манфаатдор вакиллар билан ўтказиладиган умумий йиғилишда барча аъзоларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида ташкил этилади. Кенгаш таркиби аъзоларининг сони чекланмайди.

Кенгаш таркибига ОТМ фаолиятига улкан ҳисса қўшиб келаётган ҳамда шундай истакда бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари кириши мумкин.

8. Кенгаш аъзолигига номзодлар Илмий кенгаш йиғилишида очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Янги сайланган Кенгашнинг биринчи ташкилий йиғилишида очиқ овоз бериш йўли билан Кенгаш раиси, ўринбосари ва котиби сайланади. Кенгаш аъзоларининг 2/3 қисм овозларини тўплаган номзодлар белгиланган лавозимга сайланган деб ҳисобланадилар ҳамда улар сайлангандан сўнг Кенгаш қарори билан тасдиқланади.

9. Кенгаш ҳар йили раис, раис ўринбосарлари, котиб ва кенгаш аъзоларидан иборат таркибда шакллантирилади.

ОТМ ректори (директори), унинг ўринбосарлари ҳамда уларнинг яқин қариндошлари Кенгаш раиси, ўринбосари, котиби ва аъзолари бўлиши мумкин эмас.

10. Кенгаш йиғилишида унинг таркибининг 2/3 қисмидан кам бўлмаган аъзолари қатнашган ҳолларда, кенгаш қарорлар қабул қилиш, тавсиялар бериш ҳуқуқига эга бўлади.

**Кенгаш аъзоларининг ҳуқуқлари:**

Кенгашда муҳокама этилаётган масалалар ва қабул қилинаётган қарорлар ва тавсиялар бўйича муқобил таклифлар киритиш;

Кенгаш томонидан тузилаётган ишчи текширув ҳайъатларига сайлаш, сайланиш ва раҳбарлик қилиш;

Кенгашнинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

Кенгаш фаолиятини университет Илмий кенгаши йиғилишларида ва университет матбуотида танқид қилиш.

#### **Кенгаш аъзоларининг мажбуриятлари:**

топширилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажариш, камчиликларга нисбатан мурасасиз бўлиш, таниш-билишликка, лаганбардорликка йўл қўймаслик, камчиликларни ёпиб кетмаслик, юриш-туришда, ахлоқда, муомалада, тўғри сўзликда, принципиалликда бошқаларга намуна бўлиш.

Кенгаш вазифасига кирувчи барча масалаларнинг тайёрланиши ва муҳокамасида фаол қатнашиш;

Кенгаш топшириғига кўра алоҳида масалаларда эксперт сифатида йиғилишларда сўзга чиқиш, масаланинг қонуний ҳал этилишига эришиш.

Кенгашни раис бошқаради. У кенгашнинг ташкилий йиғилишида муқобиллик (альтернатив) асосда сайланади. Кенгаш раиси унинг ваколат доирасига кирувчи, Кенгаш фаолиятига доир барча масалалар бўйича ўз фикрини баён этишга, қарорлар вариантини таклиф қилишга ҳақлидир.

#### **Кенгаш раисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

Кенгаш ишини ташкил этади, коллегиялик асосида кенгаш қарорларини қабул қилади ва татбиқ этади;

Кенгашнинг йиллик иш режаларини тузишга раҳбарлик қилади;

Кенгаш қарорларини тасдиқлайди;

Кенгаш ишчи комиссиялари ҳисоботлари, ахборотларини эшитади, тасдиқлайди;

ректорат, факультетлар ва кафедраларда Кенгаш номидан иш юритади;

Кенгашнинг миқдорий таркиби, фаолиятини ташкил этишга, ўзгартиришга оид таклифлар киритади;

университет жамоасига кенгаш фаолияти бўйича ҳисобот бериш.

#### **Кенгашнинг умумий йиғилиши:**

Кенгаш фаолиятининг ташкилий шакли – кенгаш аъзоларининг умумий йиғилиши ҳисобланади ва унинг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

Кенгашнинг йиллик иш режаларини ва уларнинг бажарилиши ҳақида ҳисоботларни тасдиқлаш;

Кенгаш фаолиятининг асосий ва долзарб йўналишларини белгилаш;

факультет деканларининг мазкур факультетларда Кенгаш қарорларининг, тавсияларининг, текширувларининг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботларини эшитиш (ҳар ўқув йилида).

Кенгаш фаолиятини университет маъмурий органлари билан уйғунлаштириш.

11. Кенгаш раиси ўз навбатида ОТМ кенгаши аъзоси ҳисобланади.

12. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ОТМдаги бошланғич ташкилоти Кенгаш ҳужжатларини юритиш ва сақлашни таъминлайди, умуман, Кенгаш фаолиятини ташкилий жиҳатдан юритиб боради.

13. Кенгаш ҳар ойда бир марта белгиланган кунда йиғилиш ўтказиб боради ва Кенгаш томонидан қабул қилинган қарорлар ОТМ учун тавсиявий хусусиятга эга ҳисобланади.

#### **IV БОБ. КЕНГАШНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

14. Кенгаш қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Кенгаш раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш;

Кенгаш фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш;

ОТМда жамоатчилик назоратини олиб бориш йўналишларини белгилаш ҳамда унинг ижроси бўйича ҳар чоракда ОТМ Кенгашида маълумот бериш ва раҳбарият ҳисоботини эшитиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини тўлиқ ўрганиб чиқиш ҳамда уларнинг асосланган ҳолда, тўлақонли равишда қаноатлантирилишини назорат қилиш;

ҳар чоракда Кенгаш раисининг Кенгаш фаолияти юзасидан ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш;

Кенгаш ва ОТМ Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини, шунингдек ОТМнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига амалга оширилган ишларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

ОТМ ички тартиб қоидаларини ишлаб чиқиш, ўзгартириш, такомиллаштириш ва янгидан қабул қилишда ташаббус билан чиқиш, иштирок этиш, шунингдек ОТМ кенгашига тегишли таклиф ва мулоҳазалар киритиш;

оралиқ ва якуний назоратлар ҳамда якуний давлат аттестациялари жараёнида жамоатчилик асосида кузатувчи сифатида иштирок этиш;

тўлов-контракт шартномалари бўйича тўловлар бошлангунга қадар Кенгаш йиғилиши баённомасига асосан тўлов-контракт шартномаларини бажаришда ёрдам берилиши лозим бўлган кам таъминланган талабалар бўйича таклиф киритиш ва уларнинг рўйхатини тасдиқлашда иштирок этиш;

раҳбариятни огоҳлантирган ҳолда ОТМдаги дарс жараёнларида, маънавий-маърифий, маданий ва спорт-соғломлаштириш тадбирларида иштирок этиш;

ОТМга қабул бўйича ўтказиладиган барча турдаги имтиҳонлар жараёнида кузатувчи сифатида иштирок этиш;

профессор-ўқитувчиларни ишга қабул қилиш ва аттестациядан ўтказиш жараёнидаги суҳбатларда иштирок этиш ва фикр билдириш;

ОТМ фаолияти, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг фаолияти (ишдан бўшатилиши ёки талабалар сафидан чиқарилиши) билан боғлиқ бўлган барча турдаги йиғилишларда иштирок этиш;



фаолюда ҳолат ва муаммоли вазиятларда мустақил равишда ОТМ фаоллари ва ота-оналардан иборат таркибда йиғилиш чақириш;

талабаларнинг хатти-ҳаракати, ўзини тутиши, ўқиши, ОТМдаги фаолияти юзасидан уларнинг ота-оналарига хат йўллаш;

ОТМ кенгашига тартибсиз, ички тартиб-қоидалар ва ахлоқ-одоб нормаларига риоя этмаган талабаларга нисбатан тегишли интизомий жазо чорасини қўллаш таклифини киритиш;

ОТМ кенгаши ва Касаба уюшмасига ўз вазифаси ва лавозимига нолойиқ деб ҳисобланган профессор-ўқитувчи ва бошқа ҳар қандай лавозимдаги ходимларни Кенгаш ҳамда комиссия хулосалари асосида ишдан бўшатиш таклифини киритиш;

ОТМ кенгашида кўриб чиқиш рад этилган ёки атайин кечиктирилаётган масалалар юзасидан тегишлилиги бўйича юқори турувчи орган – вазирликка (қўмита ёки бошқа идорага) муурожаат қилиш;

ректор, проректор, декан, декан ўринбосари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва бу бўйича ўрнатилган тартибда вазирликка хулоса киритиш;

Кенгаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Қуйидагилар Кенгашнинг мажбуриятлари ҳисобланади:

ҳар чоракда ўз фаолияти тўғрисида ОТМ кенгашига ҳамда тегишлилиги бўйича юқори турувчи орган – вазирликка (қўмита ёки бошқа идорага) ҳисобот тақдим этиш;

ОТМда муаммоли масалалар ечимини топишда ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиш;

Кенгаш зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

## **V БОБ. КЕНГАШ ОРГАНЛАРИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

16. Умумий йиғилиш Кенгашнинг олий бошқарув органи ҳисобланади. Умумий йиғилиш Кенгаш фаолиятининг барча йўналишлари бўйича қарорлар қабул қилади.

17. Умумий йиғилиш ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Умумий йиғилиш унинг аъзоларининг учдан бир қисмининг ташаббусига кўра навбатдан ташқари чақирилиши мумкин.

18. Кенгаш котиби умумий йиғилиш ўтказилишидан камида уч кун олдин бу ҳақда барчанинг танишиб чиқиши учун ОТМга кириш жойи ва бошқа кўринарли жойларда эълон осиб қўяди. Умумий йиғилиш чақирилганда Кенгаш котиби унинг барча аъзоларини хабардор қилади.

19. Умумий йиғилишда Кенгаш аъзоларидан ташқари талабалар, уларнинг ота-оналари, ОТМ ректори (директори), проректорлар, деканлар, декан ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, профессор-ўқитувчилар ва жамоатчилик вакиллари кузатувчи сифатида иштирок

этишлари мумкин. Улар йиғилишда муҳокама қилинаётган барча масалалар юзасидан ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришлари мумкин.

20. Умумий йиғилиш унинг аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этганида қарор қабул қилиш учун ваколатли ҳисобланади. Умумий йиғилишда қарорлар кўпчиликнинг очиқ овоз бериши орқали қабул қилинади. Кенгаш аъзоларининг овозлари тенг келиб қолганда, Кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

ОТМнинг профессор-ўқитувчилари ва бошқа кузатувчилар овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

21. Умумий йиғилиш қарори баённома билан расмийлаштирилади ва Кенгаш раиси, унинг ўринбосари, котиб ҳамда аъзолари томонидан имзоланади. Баённомада унинг санаси, йиғилишда иштирок этган Кенгаш аъзоларининг фамилияси, исми ва отасининг исми, овоз бериш натижалари ҳамда қабул қилинган яқуний қарор кўрсатилади.

22. Кенгаш аъзолари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, шунингдек Кенгаш томонидан қабул қилинган бошқа қарорлар ва ҳисоботлар уч нусхада қабул қилинади. Унинг бир нусхаси Кенгаш котибида, иккинчиси ОТМ ректори (директори)да сақланади, учинчиси эса, барчанинг танишиб чиқиши учун эълонлар тахтасига осиб қўйилади.

23. ОТМ томонидан имкониятдан келиб чиққан ҳолда умумий йиғилишни ўтказиш, шунингдек Кенгаш ҳужжатларини сақлаш учун алоҳида хона ажратилади.

24. ОТМ ректори (директори) умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш учун масъулдир.

25. Кенгаш котиби умумий йиғилишни ўтказиш учун зарур ҳужжатларни раиснинг топшириғига кўра тайёрлайди.

Умумий йиғилиш томонидан Кенгашнинг алоҳида фаолият йўналишлари бўйича тегишли комиссиялари тузилиши мумкин.

## **VI БОБ. ЯҚУНИЙ ҚОИДАЛАР**

26. Кенгаш ҳар чоракда ОТМдаги ОАВ (интернет сайти, ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар, газета) орқали ёки бошқа йўл билан оналарга ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот беради.

27. Кенгаш раиси, унинг ўринбосарлари ва котиби олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўрнатилган тартибда рағбатлантириб борилади.

28. Кенгашни қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

29. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, “Ўзбекистон

темир йўллари” АЖ, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ва Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

## **Олий таълими муассасаси Жамоатчилик кенгашининг намунавий таркиби**

1. Талабалардан вакиллар.
2. Ота-оналар вакиллари.
3. Ёшлар иттифоқининг ОТМдаги фаоллари.
4. Кадрлар буюртмачилари вакиллари.
5. Профессор-ўқитувчилар вакиллари.
6. Мураббийлар кенгаши вакиллари.
7. Фуқаролик жамияти институтлари – Маҳалла, “Нуроний”, Касаба уюшмалари кўмитаси, Хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари.
8. Илмий тадқиқотчилар – докторантлар, мустақил тадқиқотчилар, эркин тадқиқотчилар.
9. Муқаддам мазкур ОТМни тамомлаган битирувчилар (битирганига қанча вақт бўлганидан қатъи назар).
10. ОТМ фаолиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган фахрийлар.
11. Белгиланган ҳомийлар вакиллари.
12. Йирик компаниялар ва тадбиркорлар вакиллари.
13. ОТМ тегишлилиги бўйича юқори турувчи орган – вазирликка (қўмита ёки бошқа идорага)
14. Бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари.
15. ...